

Эбеш ишликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун гунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

22 ИЙЛ ЧИҚИШИ. № 63 (5412). 29 март, 1975 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин

ДАЛАЛАРДА ИШ ҚИЗГИН

Бўна райони пахтакорлари бу йил зиммаларига улкан мажбуриятлар олишган. Улар шу кеча-қундузда ариқ-зувурларни тозалаб, экин майдонларига маҳаллий ўнг чипарши ишларини маддалик билан олиб бормоқдалар.

«Кўкор» совхозининг Мирҳолдор Холбоев бошлиқ бригада пахтакорлари йил бошидаёқ юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Улар чўла шорнида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш ташаббусини бошлаб беришди.

Ўтган йили бригада аъзолари 117 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,6 центнердан пахта етиштирилди. Ҳосилнинг 90 проценти эса механизация ёрдамида йириб-те-риб олинди. Бир центнер пахтанинг танахри 3 сўмага камайди.

Бригада шу кунларда мўлаҳизага лўғта замин ҳосиллашмоқда. Далага 500 тоннадан ортиқ маҳаллий ўнг ташиб қилинди, барча сугорни тармоқлари тартибга келтирилди.

Жамбул номи колхозининг механизатор зveno бошлиғи Навшан Урунов ҳам ташаббускорлардан ҳисобланади. Звено ўтган ҳафтада йилда ҳар гектардан олинган пахта ҳосилдорлиги 41 центнерга ошган бўлса, бу йил 40 центнердан пахта етиштириш ниятида. Механизатор бу йил ҳам маҳнат унумдорлигини янада охири, механизациянинг техникавий имкониятларидан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш режаси билан меҳнат қилмоқда.

Н. ТУРАЕВ.

МАКНАЖУХОРИКОРЛАР АХДИ

Аниқловчи йилда ҳар гектар ердан 80 центнердан макнажухори дони етиштириш Т. Аноркулов бошлиқ бригаданинг йил ишларини бошлаб юборди.

Бу йил, — дейди бригада бошлиғи Т. Аноркулов, — 120 гектар ер деҳқончилик қиламиз. Ҳар гектар ердан 90 центнердан дон, 450 центнердан кўкнаж олимоқчимиз. Ҳар гектар ерга 3,5—4 тоннадан маҳаллий ўнг солинамиз.

Савдод номи колхозининг мажбурият бригадаси далада иш қизғин.

Э. ХАБИБАЛИЕВ, Пискент райони.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Келмон ака суяги деҳқончиликда қотган асл деҳқон фарзанди. Эсини танибдики, ўзи туғилган устан Янгйўл районидagi «Интернационал» колхозда пахтакорлик бригадасида ишлабди.

Бу йиллар ичда Келмон катта мўл ҳосил етиштириш сир-асоратларини ўрганди. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш мўл ҳосил етиштириш тароват эканлигини у яхши билди. Ҳосил кам ерларнинг ҳар гектарига 10—15 тоннадан маҳаллий ўнг, 400—500 килограммдан маҳаллий ўнг солиб, ерни 35—40 сантиметр чуқурликда шудгорлашга жиддий эътибор беради.

Ўзга қатор оралариди етарли микдорда нам сақланса, ҳар гектар ерда 105—110 минг туп соғлом шўхол уннини тайёрлаб олиш мумкин бўлади.

Мана, ўтган йил ҳам 83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,6 центнер ўнг олиниб, 38,6 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилнинг қариб 85 проценти «зағори кема»лар ёрдамида терилди, 90 проценти биринчи сортларга сотилди.

Бу кўрсаткичлар бригада аъзоларини янада юксак марраларни забт этишга қўрғайди. Бригада аъзолари У. Акимов, С. Давришев, механизатор, район Советининг депутаты Насриддин Айтилов ҳам бир раънабат кўнудан унумли фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар гектарга далага 260 тоннадан ортиқ маҳаллий ўнг ташиб чиқилди. 225 кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилиб, сув йўллари, ирригация иншоотлари тартибга келтирилди. Бу эса 68 гектар пахта майдонининг мелiorатив ҳолатини яхшилади. Сизот сувлари тупроқнинг юқори қатламларига жойлашган ерлар меҳноратив ҳолатини яхшилаш ҳамдир.

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, МҮЛ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРАМИЗ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент область партия комитети 1975 йил 27 мартдаги қарори билан Қуйи Чирчиқ райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг иқтисодчи йилда пахта етиштириш қўлайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачиликда мўл маҳсулот етиштириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини маълумлади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трестлари, район партия комитетлари, икрия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларига Қуйи Чирчиқ райони қишлоқ

хўжалик меҳнаткашларининг мажбуриятларини кенг муҳофама этиш, қишлоқ хўжалик энчиларининг ҳосилдорлигини ва чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, 1975 йил социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига районларда, колхоз ва совхозларда социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганини мунтазам ёритиб бориш вазифаси юклатилди.

прогрессив технологияни кенг жорий қиламиз. Фан ютуқлари ва илгир тажрибани кенг қўлланамиз. Қишлоқ хўжалик техникасида, меҳнат ресурсларида, ҳар қандай сувда, ҳар килограмм ўнгдан самарали фойдаланамиз.

Бунинг учун барча нартларнинг меҳнатлари, бурчакларини ҳайдаб, чигит эканимиз, техника учун нуқул жойларни, ортиқча ариқ ва зовурларни текислашамиз. Ана шу ерлар ҳисобига шунингиз, теплицани ва бутазорларини экин майдонига қўйиб, ҳисобини 1975 йилда 250 гектар ерни иши, қишлоқ хўжалик оборотида киргатамиз.

Эскидан экин экинлиб келган 1000 гектар ерни капитал текислашамиз.

2500 гектар майдонда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаймиз.

Бу йил 11350 гектар ерга кенг қаторлаб чигит эканамиз. Бу умумий екинлигидан майдонининг 97 проценти ташкил этади. Шу жумладан 8500 гектар ерга аниқ микдорда чигит экиш сеялкалари билан тунсизлантйрилган чигит экинлиги. Умумий пахта майдонининг 93 процентида келажакда яхши натижа берадиган ва илгирта чигит экинлиги «Тошкент-1» нави чигит экинлиги.

Илгир, агротехника қондалари қатъий амал қилган ҳолда ўзга парваршишлар ҳамма босқичларда иш намунали ўтказиб, ҳар гектар ерда камиди 115—120 минг тупдан ўзга ўстирамиз. Ўзга қўлайтириш қўлайтирилган кўш қаторлаб экинлиги ерларда 130 минг тупдан ўзга туп бўлишини таъминлаймиз.

«Зар коммунизм» колхоз пахтакорларининг тажрибаси асосида райондаги барча хўжаликларда меҳноративларнинг, сувчиларнинг ва бошқа ходимларнинг ҳар бир туп ўзани авайлаб ўстириш

Тошкент область ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари тўғрисидаги беш йилликнинг якуловчи йили халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб меҳнат қилишлари натижа-сида улкан ғалабани қўлга киритишди. Улар 27 мартда маҳсулот реализация қилиш ва қатор муҳим буюмларни ишлаб чиқариш бўйича биринчи қвартал планини шараф билан адо этишди.

В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси,

электро-техника заводи, «Компрессор» заводи, трикотаж фабрикаси, 3-тикувчилик фабрикаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи фирма ва бошқа қорхоналарнинг коллективлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида юксак натижаларга эришдилар.

Ой охиригача пландан ташқар қўлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

бошга, чўчалар сони 5600 бошга, паррандалар сони 25000 бошга етказилди.

— 1780 тонна гўшт, 14030 тонна сўт ва 1,5 миллион дон тухум етиштирамиз.

— ҳар бир ситирдан 3500 килограммдан сўт соғиб оламиз, ҳар бир товуқдан 145 дондан тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар беш қорғоқнинг тирик вазнининг 420 килограммга, чўчаларнинг тирик вазнини 120 килограммга етказамиз;

— ҳар 100 беш ситирдан 90 тадан бозор, ҳар 100 беш чўқадан 2800 бозордан чўчка боласи олинди.

Беланган ана шу ютуқларни қўлга киритиш учун чорва молларини уринтишни ва беш молларни ўстиришни яхшилаймиз, экинлиги қишлоқларда етиштиришга алоҳида эътибор берамиз. Чорва моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш учун барча тадбирларни курамиз. Чорвачиликнинг екинлиги ҳисобини мустаҳкамлаймиз, ҳар гектар ердан 150 центнердан макнажухори силиси, 600 центнердан ҳалдики далага ва 85 центнердан макнажухори дони етиштирамиз. 37 минг тонна дағал хашак жамгарамиз, 48 минг тонна синаж бостирамиз, 21 минг тонна синаж таёйрлаймиз. Бу, 1974 йилдангидан анча кўпдир.

Фермаларда меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ситирларнинг соғиш, екин-хашак тарқатиш ва молхоналарни тозалашда механизацияни кенг қўллангиш учун катта тадбирларни амалга оширамиз.

Район колхоз ва совхозларда кураётган сутчилик комплексларининг ўз муддатда курилиб, фойдаланишга топширилишини таъмин етамиз.

Биз ўз зиммамизга юксак мажбурият қабул қилиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советини, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтириб айтганимиз, тўққизинчи беш йилликнинг охириги йилни муваффақиятли ахирлаш учун ҳамма ишларни қиламиз ва шу йўл билан мамлакатимизда коммунистик мўл-кўчликни учун бошланган умумхалқ ишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Бу мажбуриятлар район қишлоқ хўжалик илгирларининг йилгилишида муҳофама қилиниб, қабул этилган.

БИР ТАН, БИР ЖОН БҮЛИБ

19 АПРЕЛЬ
Коммунистик Шанбалик Кўни

Москвадаги қатор қорхоналар коллективларининг шу йилнинг 19 апрелида улуг доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 105 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуси Оққўрғон район меҳнаткашлари томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Барча қорхоналар, колхозлар ва совхозлар, муассасалар ва ташкилотлар коллективлари бу хайрли ишга бир тан, бир жон бўлиб қўшилишга қарор қилдилар. Улар шанбаликнинг юксак даражада ўтиши, шу кунин барча ишлаб чиқариш участкаларида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилшини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар программасини ишлаб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Шанбаликка тайёргарликлар ҳам умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди. Улар болалар истироҳат боғини кўриш билан шуғулланишди. Бундан ташқари, маданий-оқартов муассасалари бинолари ва анжомларини ремонт қилиш, янги гулхоналар ташкил этиш, қишлоқларини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, спорт майдончалари кўриш бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, ирригация шохобчалари тартибга келтирилди.

Район меҳнаткашлари шанбаликнинг оқмавий ва самарали ўтишини таъминлашмоқчи. Унда ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва инженер-техники ҳодимлардан 26,2 минг киши иштирок этади. Бундан ташқари, райондаги 10 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари ҳам ҳашарда қатнашадилар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда район саноат қорхоналари коллективлари бир кун далада 90 минг сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқардилар. Шу кунинг тўғрисида 24 минг сўмдан зиёд иш, ҳақиқатда тўққизинчи беш йиллик фондида ўтказилди.

СССР Мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1975 йил, 29 март № 76 Москва шаҳри
БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БУЛГАН ҲАҚИЙИ ХАҚИЙИ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ 1975 ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНИДА СССР ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАРИ САФИДАН БУШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИЙИ ХАҚИЙИ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига биноан БУЙРУМАН:

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини 1975 йил 1 июлгача тугаيدиган ҳарбий хизматчилар 1975 йил май-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флотини, Чегара ва Ички қўшнлар сафидан зағабта бўшатиш.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи моддасига биноан ҳарбий хизматчилар зағабта бўшатилиши муносабати билан чиқариш қўнигача 18 ёшга тўлган, ҳақиқий муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган граждандар, шунингдек ҳақиқий муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган катта ҳақиқий ёшдаги граждандар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флотини, Чегара ва Ички қўшнлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматини ўташга чаклирилган.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, оскдарияларда ва кемадарда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали, А. ГРЕЧКО.


НАШРИЁТ БАЙРОҒИДА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ

28 мартда Тошкентдаги Билим уйида «Ўзбекистон» нашриёти таъриқладилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов «Ўзбекистон» Компартиясини Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ишаришга йўллаган таъриқномасини ўқиб эшиттириб «Ўзбекистон» нашриётига Халқлар Дўстлигининг орденини топширди. «Ўзбекс-

тон» нашриёти меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги самарали ишлари учун шу орденини олишга сазовор бўлди.

Нашриёт ходимларининг бир гуруҳига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилганлиги ҳақидаги шарафнома билан ҳам рақисқа тақдирланган ишчилар, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ериқлари топширилди.

Т. ЮСУПОВ.



Веннаини Подвигни 20 йилдан буюн Олмалиқдаги Қалмоққир қониди ишляпти. У самарали меҳнат учун Социалистик Меҳнат Қўрамини унвонига сазовор бўлган. Суратда: моҳир экскаваторчи В. Подвигни қон беш инженер А. Митрофанов билан иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда. Т. Пун фотоси. (ЎЗТАТ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАР ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 28 МАРТАГА БУЛГАН МАБЛУМОТ

Биринчи стун — баҳорги дон экин; иккинчи стун — эртаги сабзавот экин ва қўчат ўтказиш; учинчи стун — беда сепиш (паллага нисбатан процент ҳисобиди).

Оққўрғон	117,6	78,3	100,0
Ўрта Чирчиқ	108,0	87,1	72,4
Юқори Чирчиқ	101,8	71,3	72,4
Калинин	100,0	95,0	100,0
Қуйи Чирчиқ	100,0	73,5	93,8
Бўна	100,0	84,0	100,0
Бекобод	92,4	80,0	97,3
Чиноз	87,6	118,3	84,8
Пискент	81,2	86,5	71,9
Охангарон	79,4	79,8	84,0
Янгийўл	56,3	70,9	76,6
Бўстонлиқ	53,7	69,2	7,7
Орғонқидзе	—	70,3	44,4

Область бўйича 91,2 30,4 79,3

ИЗОХ: Оққўрғон ва Янгийўл районларида баҳорги дон экин планидан қайта экинган қуағи дон экин чиқариб ташланган. Эртаги сабзавот экин планига шёв экин ҳам киритилганлиги учун эртаги сабзавот экин планининг бажарилиш проценти ўзгарган.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари област, район шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисидаги Низоми»нинг 25, 26-моддаларида мувофиқ област ижроия комитети қарор қилади:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советига сайлов ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ

151. Қораманас сайлов округи
Маркази — Қораманас қишлоқ Совети ижроия комитетининг биноси.

Чегараси: Қораманас қишлоғи территорияси.

152. Қўшқўрғон сайлов округи.
Маркази — «Ленинград» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: Қўшқўрғон қишлоғи территорияси.

153. Қизилту сайлов округи
Маркази — «Қизилту» колхозини клуби.

Чегараси: Думалоқ қишлоқ Советидаги «Қизилту» колхозининг территорияси.

154. Фрунзе сайлов округи.
Маркази — Фрунзе номи колхоз клуби.

Чегараси: Думалоқ қишлоқ Советидаги Фрунзе номи колхозини янгиёул, Чах-чам, Гиджал, Ушбау аҳоли пунктлари.

155. Марказий сайлов округи
Маркази — райводоканал идораси.

Чегараси: Оқсогота дарёсидан «Весна» ва Ленин кўчалари бўйлаб Ҳазрат шаҳри темирйўлига (чап томон).

156. Темир йўл сайлов округи.
Маркази — Ҳазрат шаҳрининг маданият уйи.

Чегараси: Ленин ва «Партия XXII съезди» кўчаларидан (чап томон) Шчорс кўчасига, Шчорс кўчасининг чап томони, Ҳазрат шаҳридаги «Чимент» боллар туберкулез санаторийи кўчасига.

157. Янги шаҳар сайлов округи.
Маркази — 6-мактаб-интернат.

Чегараси: Ҳазрат шаҳрининг Вавилов кўчасидан Бўстонлик кўчаси бўйлаб Жамбул кўчасига, Жамбул кўчаси бўйлаб Тимирязев кўчасига, Тимирязев кўчаси бўйлаб Терс ариғига, Терс ариғи бўйлаб Бўстонлик кўчасига, Вавилов кўчасидан 1, 3, 5, 7-йўллар.

158. Район сайлов округи.
Маркази — район матлубот союзининг идораси.

Чегараси: Оқсогота дарёсидан Весна ва Ленин кўчалари бўйлаб «Партия XXII съезди» кўчасига (чап томон), «Партия XXII съезди» кўчаси бўйлаб Шчорс кўчасига (ўнг томон), Киров кўчасига ва Жамбул кўчасига, Жамбул кўчаси бўйлаб Тимирязев кўчасига (ўнг томон).

159. Ғалаба сайлов округи.
Маркази — Ғалаба қишлоқ Совети ижроия комитетини биноси.

Чегараси: Ғалаба қишлоғининг территорияси.

160. Хумос сайлов округи
Маркази — «Хўжакеит» совхозининг 1-бўлими идораси.

Чегараси: «Утам қишлоқ Советининг Хумос, Олчор, Қизилчор, Дала аҳоли пунктлари.

161. Хўжакеит сайлов округи.
Маркази — «Хўжакеит» совхозининг идораси.

Чегараси: Утам қишлоқ Советининг Дулуқ, Хўжакеит, Чирор аҳоли пунктлари, темирйўл станцияси ва Чорвоқ посёлка Советининг Энергетиклар посёлкаси.

162. Қоранкул сайлов округи.
Маркази — Муқимий номи 15-мактаб.

Чегараси: Утам қишлоқ советининг Қоранкул, Чимбойлик ва Қизилсув аҳоли пунктлари.

163. Приморск сайлов округи
Маркази — 11-автобаза клуби.

Чегараси: Чорвоқ посёлка советининг Приморск ва Юность аҳоли пунктлари.

164. Солнечный сайлов округи
Маркази — Гидростроитель маданият саройи.

Чегараси: Чорвоқ посёлка Советининг Солнечный посёлкаси территорияси.

165. Бўстонлик сайлов округи
Маркази — Бўстонлик қишлоқ Совети ижроия комитетининг биноси.

Чегараси: Бўстонлик қишлоқ Советининг Чимган, Юсухона, Бақачул, Юбилей, Янгиқўрғон, Полтав аҳоли пунктлари, Ленин кўчаси ва Чамаратор аҳоли пункти, Бурмужла аҳоли пункти.

166. Бурмужла сайлов округи
Маркази — Крупская номи 40-мактаб.

Чегараси: Крупская, Советская,

Интернационал кўчалари ва Бўстонлик қишлоқ Советининг Бурмужла, Богистон аҳоли пунктлари.

167. Сижак сайлов округи
Маркази — Сижак қишлоқ Совети ижроия комитетини биноси.

Чегараси: Сижак қишлоғининг территорияси.

168. Дадабоев сайлов округи
Маркази — Дадабоев қишлоқ Совети ижроия комитетини биноси.

Чегараси: Дадабоев қишлоғининг территорияси.

169. Солиқ сайлов округи
Маркази — Солиқ қишлоқ Совети ижроия комитетини биноси.

Чегараси: Солиқ ва Хондойлик қишлоқларининг территорияси.

170. Искандар сайлов округи
Маркази — Чирчиқ шимла заводининг клуби.

Чегараси: Искандар посёлка Советидаги Барраж, Эски Искандар, Янги шаҳарча аҳоли пунктлари ва Чирчиқ шимла заводининг уйлари.

171. Паргос сайлов округи
Маркази — Титов номи 9-мактаб.

Чегараси: К. Маркс номи колхоз ва Искандар посёлка Советидаги «Узельсхотехника» район бирлашмасининг посёлкаси территорияси.

172. Токосой сайлов округи.
Маркази — ГЭС каскадининг клуби.

Чегараси: Токосой посёлкаси ва Искандар посёлка Советининг Солиқ участкаси.

173. Озодбон сайлов округи.
Маркази — Олтинсарин номи 6-мактаб.

Чегараси: Озодбон посёлкаси.

БҲКА РАЙОНИ БУНИЧА

174. «Партия XX съезди» сайлов округи
Маркази — Партия XX съезди номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Партия XX съезди номи ва «Ленинград» колхозларининг территорияси.

175. Қоранкул сайлов округи.
Маркази — «Ленинизм» колхозининг клуби.

Чегараси — «Ленинизм» колхозининг территорияси.

176. «Партия XIX съезди» сайлов округи
Маркази — Партия XIX съезди номи колхозининг идораси.

Чегараси: Партия XIX съезди номи колхоз территорияси.

177. Ҳамза сайлов округи.
Маркази — Ҳамза номи колхоз клуби.

Чегараси: Ҳамза номи колхоз территорияси.

178. Менделеев сайлов округи
Маркази — Менделеев номи 4-мактаб.

Чегараси: «Узельсхотехника» район бирлашмаси, Бўжа посёлкасининг Юкори Тошқол, Қорабоғ, Бектўра аҳоли пунктлари, Ҳамза кўчаси.

179. Марказий сайлов округи
Маркази — К. Маркс номи 1-мактаб.

Чегараси: Бўжа посёлкасининг МСУ территорияси, Ўрта-Қўрғон аҳоли пункти, Қўйбўсов кўчаси район партия комитетини биносидан бошлаб ўнг томон, «Ленин йўли» колхозини — район маркази йўли бўйлаб.

180. Ленин сайлов округи.
Маркази — Ленин номи 2-мактаб биноси.

Чегараси: Гагарин кўчаси, Бўжа посёлкаси, пахта заводи, район касалхонаси ва район марказидаги янги посёлка.

181. Ленин йўли сайлов округи.
Маркази — «Ленин йўли» колхозининг клуби.

Чегараси: «Ленин йўли» ва К. Маркс номи колхозлар территорияси.

182. Киров сайлов округи
Маркази — «Октябрь 40 йиллиги» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» ва Тимирязев номи колхозлар территорияси.

183. Наримов сайлов округи.
Маркази — Жамбул номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Жамбул ва Мичурин номи колхозлар территорияси.

184. Илчи сайлов округи.
Маркази — Илчи номи колхоз клуби.

Чегараси: Илчи ва Фрунзе номи колхозлар территорияси.

185. Оржоникидзе сайлов округи.
Маркази — «Бўжа» совхозини клуби.

Чегараси: «Бўжа» совхозининг марказий бўлими территорияси.

186. Абай сайлов округи
Маркази — Жамбул номи 40-мактаб.

Чегараси: «Бўжа» совхозининг 3, 4, 5-бўлимлари территорияси.

187. Қўқорол сайлов округи.
Маркази — Жданов номи 44-мактаб.

Чегараси: «Қўқорол» совхозининг территорияси.

ЮКОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

188. Чапаев сайлов округи
Маркази — 5-қўйма махсус механизацияланган колоннанинг идораси.

Чегараси: Бордонкул қишлоқ Советининг Юнусуз — 1, «Ленин» қишлоқ, Бирлик, Калинин номи, Бойқўрғон аҳоли пунктлари.

189. Ийк сайлов округи
Маркази — «Ленин» қишлоқ колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: Бордонкул қишлоқ Советининг Ийк қишлоғи территорияси.

190. Политотдел сайлов округи
Маркази — «Политотдел» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: «Политотдел» колхозининг марказий усадьбаси, Бордонкул қишлоқ Советининг Юнусуз — 2, Қурама, Қорақалпоқ аҳоли пунктлари, Киров номи МТФ территорияси.

191. Болта сайлов округи
Маркази — Охунбобоев номи 18-мактаб.

Чегараси: Юкори Чирчиқ канон заводининг территорияси, Бордонкул қишлоқ Советининг Бордонкул, Сурум, Болта, Қизил Гайрат аҳоли пунктлари.

192. Свердлов сайлов округи
Маркази — Свердлов номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Свердлов номи колхоз марказий усадьбасининг территорияси, Сурагент қишлоқ Советининг Оқутай (Социализм) ва Мамут аҳоли пунктлари.

193. Ленин сайлов округи.
Маркази — Свердлов номи колхозининг 4-участкаси идораси.

Чегараси: Сурагент қишлоқ Советининг Қоратўқум, Сасбақ, Қорақалпоқ, 1-Тўрмбой, 2-Тўрмбой аҳоли пунктлари.

194. Жамбул сайлов округи
Маркази — «Правда» колхозининг 7-участкаси идораси.

Чегараси: Арғонча қишлоқ Советининг Қангли, Қоратўқум, Қўрғон аҳоли пунктлари.

195. Жумабозор сайлов округи
Маркази — Арғонча қишлоқ Совети ижроия комитетини биноси.

Чегараси: Арғонча қишлоқ Советининг Жумабозор, Болсенди, Оқтёна аҳоли пунктлари.

196. Правда сайлов округи
Маркази — «Правда» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: «Правда» колхозини марказий усадьбасининг территорияси, Арғонча қишлоқ Советининг «Новий путь» аҳоли пункти.

197. Канон заводи сайлов округи
Маркази — Жумабозор канон заводининг идораси.

Чегараси: Жумабозор канон заводининг усадьбаси, Арғонча қишлоқ Советининг Навой, Қоратёпа, Усмонов аҳоли пунктлари.

198. Марказий сайлов округи
Маркази — Макаренко номи 66-мактаб.

Чегараси: Янгибозор посёлкасининг «Узельсхотехника» район бирлашмасининг турар-жой масивидан (таъқир) территорияси.

199. Қарши сайлов округи
Маркази — «Политотдел» колхозининг 3-Интернационал участкасининг клуби.

Чегараси: Оқовул қишлоқ Советининг Қарши, Ковордон аҳоли пунктлари, Янгибозор посёлка Советининг «Узельсхотехника» район бирлашмасига қарашли турар жой масиви.

200. Қорақалпоқ сайлов округи.
Маркази — «Юкори Чирчиқ» богдорчилик совхозининг идораси.

Чегараси: Оқовул қишлоқ Советининг Қорақалпоқ, 1 Май, Икитомин, Алчисой, Қирғизовул аҳоли пунктлари.

201. Ўзбекистон сайлов округи.
Маркази — 1-Май қишлоқ Совети ижроия комитетини идораси.

Чегараси: 1-Май қишлоқ Советининг Ўзбекистон, Қўйбўсов, Навой, Юсупов номи аҳоли пунктлари.

202. Карл Маркс номи сайлов округи
Маркази — Қизил Олдуз номи 1-мактаб.

Чегараси: К. Маркс номи колхоз территорияси, 1 Май қишлоқ Советининг Шаукенбек, Журук, Жданов номи аҳоли пунктлари.

203. Гулистон сайлов округи.
Маркази — «Гулистон» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: Паркент қишлоғининг бир қисми — «Гулистон» колхозининг Гулистон, Қўрғон, Диноров номи участкалари, Қўлтёпа, Қайилма фермаларининг территорияси.

204. Дзержинский сайлов округи.
Маркази — Низоми номи 44-мактаб.

Чегараси: Самсарак қишлоғи, Паркент қишлоғининг бир қисми — «Гулистон» колхозининг Низоми, Дзержинский, Будённый ва Бодомтепа участкалари.

205. Паркент сайлов округи
Маркази — Паркент қишлоқ Совети ижроия комитетини идораси.

Чегараси: Паркент қишлоғининг бир қисми — Паркент қишлоқ Советидаги «Коммуна» колхозининг Самаробод, Булоқбойи, Коммуна участкалари ва болалар босчаси территорияси.

206. Коммуна сайлов округи.
Маркази — «Коммуна» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: Паркент қишлоқ Совети территориясидаги Паркент қишлоғининг бир қисми — «Коммуна» колхозининг Ўзбекистон, Карл Маркс номи, Қолча, Бошқашқа, Шохшоҳона участкалари.

207. Сурхон сайлов округи.
Маркази — Қўрғонхона идораси.

Чегараси: Паркент қишлоғининг бир қисми — Паркент қишлоқ Совети территориясидаги «Коммуна» колхозининг «Правда», «Ейилма», «Сурхеме» ва Бойқорзу участкалари.

208. Чанги сайлов округи.
Маркази — Энгельс номи колхозининг «Чанги» участкаси идораси.

Чегараси: Чангичхороқ қишлоқ Советининг Чанги, Сумча, Қирғизовул ва Обикон қишлоқлари.

209. Хисорак сайлов округи.
Маркази — Энгельс номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Чангичхороқ қишлоқ Советининг Хисорак ва Қумушқон аҳоли пунктлари.

210. Заркент сайлов округи.
Маркази — «Ленинград» колхозини правлениесининг идораси.

Чегараси: Заркент қишлоқ Советининг территорияси.

211. Сўқор сайлов округи.
Маркази — Калинин номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Сўқор қишлоқ Советининг территорияси.

212. Намданак сайлов округи
Маркази — Ўзбекистон колхозини Намданак участкасининг идораси.

Чегараси: Намданак қишлоқ Советининг Шампань, Қалтабулоқ ва «Намданак» аҳоли пунктлари.

213. Навдак сайлов округи.
Маркази — Паркент совхозини 2-бўлимининг идораси.

Чегараси: Намданак қишлоқ Советининг Невич ва Санганак аҳоли пунктлари.

КАЛИНИН РАЙОНИ БУНИЧА

214. Юнусобод сайлов округи.
Маркази — К. Маркс номи колхоз клуби.

Чегараси: Юнусобод қишлоқ Советининг К. Маркс номи колхоз участкалари территорияси.

215. Қизил Октябрь сайлов округи.
Маркази — И. Охунбобоев номи 22-мактаб.

Чегараси: Ўрмон хўжалиги илмий-текишириш институтини ва К. Маркс номи колхозининг К. Маркс, Қизил Октябрь ва Фрунзе номи участкалари.

216. Илчи сайлов округи
Маркази — Хасанбой қишлоқ Советининг клуби.

Чегараси: Воронцов номи болалар санаторийи, Илчи номи колхозининг 1-участкаси, Шедер номи илмий-текишириш институтининг 3, 4-бўлимлари, Хасанбой қишлоқ Советидаги ТуркВО ёрдамчи хўжалиғи.

217. Шарқ ҳақиқати сайлов округи.
Маркази — Октябрь 30 йиллиги номи 18-мактаб.

Чегараси: Хасанбой қишлоқ Советидаги Илчи номи колхозининг 2-участкаси ва 7-ғиш заводининг территорияси.

218. Навой сайлов округи.
Маркази — Навой номи колхоз клуби.

Чегараси: Навой номи колхоз территорияси.

219. Собир Раҳимов сайлов округи.
Маркази — Собир Раҳимов номи совхоз клуби.

Чегараси: С. Раҳимов номи колхозининг 1, 2-участкалари территорияси.

220. Ҳамид Олимжон сайлов округи
Маркази — Ҳамид Олимжон номи 12-мактаб.

Чегараси: С. Раҳимов номи колхозининг 3-участкаси территорияси ва Кўктерак қишлоғининг К. Маркс кўчаси.

221. Кўктерак сайлов округи
Маркази — 7-ғиш заводи бошқармасининг клуби.

Чегараси: Кўктерак қишлоғининг территорияси, Ленин, Ҳасанбой кўчалари, 7-ғиш заводи ва Ленин номи колхозининг 6-бўлиғи.

222. Ленин сайлов округи
Маркази — Ленин номи колхоз клуби.

Чегараси: Ленин номи колхозининг 1, 2-участкалари.

223. Қирғиқ сайлов округи.
Маркази — Келес совхозининг идораси.

Чегараси: «Келес» совхозининг 1 ва 2-бўлимлари территорияси, Келес посёлкасининг Чкалов, Коммунист кўчалари.

224. Келес сайлов округи
Маркази — Келес пахта заводи дининг клуби.

Чегараси: Папанин, Киров, Победа, Завод, Проектная кўчалари, пахта заводининг уйлари ва ётқонхона, автобоза ётқонхонаси ва уйлари, музлик қайта ишлаш фабрикасининг ётқонхонаси.

225. Киров сайлов округи.
Маркази — С. М. Киров номи 9-мактаб.

Чегараси: Охунбобоев номи колхозининг Қорасарой ва Қизилдоқ аҳоли пунктларининг территорияси.

226. Охунбобоев сайлов округи.
Маркази — Охунбобоев номи колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Хасанбой участкаси, Охунбобоев номи ва «Ленин йўли» колхозларининг территорияси

ОТАХОНЛАР ҲИММАТИ



Уша куни Собир Раҳимов райондаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла клуби олдидан ташқари ғажиб бўлди. Қўшни маҳаллалардан неча ўилаб вакиллари ташриф буюришди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Иброҳимов беш йилликнинг сўнгги йилида ишлаб чиқариш коллективлари ва ташкилотлари қўлга киритган ютуқлар, Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида қисқача гапириб ўтди. Шундан сўнг минбарга бориб-кетди маҳалла вакиллари чинишди, ўз социалистик мажбуриятларининг қандай бажарилаётганини тўғрисида ҳисоб бердилар.

Маҳаллалик меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши жангларидан ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига яқиндан қўмақлашмоқдалар. — деди «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси Р. Раҳмонов. — Озодлик йўлида жон фидо қилган ўғил-қизларимиз хотирасига монумент ўрнатиб тарадудий кўрмоқдамиз. Ғалаба кунингача маҳалла территориясини тўғрдек яшатиб кўямиз. Ҳозир Абдулла Набиев номли маданият ва истироҳат боти ободонлаштирилмоқда. «Йилг ҳафт» кинотеатри атрофида кўркам бог бўлиб этили-

моқда. Ҳалок бўлган жангчилар номига атаб бу богда биттадан дархот кўчати ўтказилди. Ўтказилган йилларнинг 139-мактаб ўқувчилари парварши қилинади.

Маҳаллада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида ҳам кўпгина ибратли ишлар қилинмоқда. Агитпунктлар, жамоатчилик асосида ишловчи клуб ва кутубхоналар ҳар оқшом ёшлар билан ғажиб бўлаётган. Улар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда. Кеча ва учрашувлар уюштирилмоқда.

Сўзга чиққан «Эркин» маҳалла комитетининг раиси Э. Ҳодиров, «Қизил Ўзбекистон» маҳалла комитетининг раиси А. Алихўжаев, Абдулла Қодирий номли маҳалла комитетининг раиси А. Сулаймонов, чини заводи директорининг ўринбосари Ф. Раҳматуллаев ур-тоқлар ҳам Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида бажари-

лаётган ишлардан гапирдилар. Улар «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи отахонларининг маҳалла территориясини кўкамла-зорлаштириш ва ободонлашти-риш юзасидан бошлаган ташаб-бусларини қизғин маъқуладилар.

Йиллигида «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи Собир Раҳимов райондаги барча меҳнаткашларга парата мувожаат на-буз қилди. Бу мувожаат Ғалабанинг 30 йиллиги олдидан ободонлаштириш ва кўкамла-зорлаштириш бўйича ўтказилган ойликда барчанинг актив қатнашишга даъват этилди. Маҳалла меҳнаткашлари кўча бўйларига ва ҳибоналарга минг тупдан зиёд мева ва манзарали дархот кўчатлари, 10 минг туп гул ўтказишга қарор қилдилар. Айни пайтда уч километрлик сув шохобчалари тартибга келтирилди. Чойхона, магазин, поликлиника тула ре-монтдан чиқарилади.

Йиллигида сўнг маҳалла меҳнаткашлари ёшасига ҳа-

шарга чиқдилар. Дастлабки шавбада 500 тупдан ортиқ дархот ва гул ниҳоллари ўтқа-зилди, ариқлар тозаланди.

Ҳашар давом этмоқда. «Ок-тябрь 40 йиллиги» маҳалласи меҳнаткашларида ўртак олган бошқа маҳалла меҳнаткашлари ҳам ҳар шавба, яшанба кун-лари ўз территорияларини обо-донлаштириш, мева ва манзарали дархот кўчатлари ўтқа-зоқдалар.

Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш юзасидан республика партия ва ҳукумати қабул қилган қарор асосида ҳозир янги-янги тадбирлар иш-лаб чиқилмоқда. — деди биз билан суҳбатда Собир Раҳимов район ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Иброҳимов.

Доҳиймиз В. И. Ле-нин туғилган кунининг 105 йиллиги шарафига ўтказилган Коммунистик шавба-лик кунни район территорияси-даги барча маҳалла меҳнаткаш-лари ёшасига ҳашарга чиқадилар. Ободонлаштириш ва кў-камлазорлаштириш ишларини намунали ўтказиш учун қў-шимча ишчи кучлари ва транс-порт воситалари акратилмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Жанговар йўллар



Курсантлар билим юртини тамомлаган йиллар 1943 йил-нинг август ойида ҳаракатдаги қўшнларимиз томон йўлга чи-қилди. Бу пайтда келиб фа-шистлар Германияси қатта та-лофот бериб босиб олган ша-ҳар ва қишлоқларини ташлаб, шовишнинг чекинаётган давлар эди. Февраль ойида Украин-нинг йирик саноат маркази Харьков озод қилинди. Гитлер кўкка кўтариб мақтаган Ман-тейннинг «енгилмас» «Адольф Гитлер», «Рейх», «Мёртва голова» сингари дивизионлари жангчиларимизнинг шиддатли ҳужумига дош беролмай тумта-рақай қочиб кетган эди.

Ўзбекистон ватан ҳимоячи-лари душманин изма-из қувиб бораётган ҳаракатдаги гвардия-чи 3-армия сафига қўшилди-лар. Винобарин, Калинин райо-нидаги собиқ Киров номли кол-хозда истиқомат қилувчи Жа-лил Қаҳҳоров ҳам ана шу мар-ду-майдонлар сафига эди.

Олий Бош қўмондонлик бош-қа қўшни турлари каби Суво-ров орденли 357-дивизия олд-да ниҳоятда масъулиятли вази-фа юклаган, душман-ни таъбиб қилишни да-вом эттириб Украина пойтахти-ни озод қилиш вазифаси қў-йилган эди.

Шу кунни тоғотар ҳеч ёдидан чиқмайди. — дейди миномет ротаси наводчиси сер-жант Жалил Қаҳҳоров — дивизи-я командири генерал-майор Ку-дряцев Киевни Улуғ Октябрь байрамига озод қилишимиз ло-зимлигини айтиди. — Бу парти-занининг, ҳақиқатининг, Олий Бош қўмондонлигининг исти-гани. — деди генерал.

Ҳужумга пухта тайёргарлик қўрилган эди. Жалил миномет-ни яна бир бор қўздан кечирди, снарядларни етарлича «там-лаб» қўйди. Расчёт зиммасига душман истеҳкомлари, пулемет тоқчалари ва пиеда аскарлари-ни йўқ қилиш вазифаси юклян-ганди. Ҳужумга ниҳоятда пухта тайёргарлик қўрилган эди. Унда ўнларча ўқчи ва моторлашган дивизионлар, машҳур «Катюша» лар йиштирок этиши лозим эди.

Ноябрнинг бешинчи кунини оғир тўлқинларнинг ҳайбатли на-ғаралари билан бошланди. Бу эслайди жанговар йилларини Жалил ака «икки соат мобайни-да снарядлар ёмғири тўхтама-ди, ҳаво лочинларимиз тўда-тўда бўлиб шаҳарга ўрнашиб олган фашистлар устига бом-балар ёғдирдилар. Қани эди команда берилса-ю, ҳужумга ташлансан» — барчанинг фик-ри-зикида ана шу эди. Ҳарқа-лай, расётимиз шу кунни чак-ни жанг қилмади. Босқинчи-ларнинг 8 та ўт очиб нугатси-нидан чирарилади, юзлаб фа-шистлар ер тиллатилди. Вино-барин, қўмондонлик буйруғи шараф билан удаланди. Киев

б-ноябрдаёқ душмандан бата-мом тозаланди.

Ўзбек минометчиси Жалил Қаҳҳоров ана шу жангда кўр-сатган мардлиги учун қўмон-донлигини Қизил Юлдуз орде-нига сазовор бўлди. Бу — ҳам шаҳаримизнинг жангоҳда қўлга киритган муқофотларининг де-бачаси эди.

Суворов орденли 357-диви-зии душманин изма-из қувиб Тернополь, Винница шаҳар-ларини озод қилди. Жау-говар ҳаракатлар Ватанимиз чегараларига яқинлашиб қол-ган бир пайтда (1944 йилнинг апрелида) Баранович қишлоғи учун бўлган жангларда Жалил Қаҳҳоров оғир жараланиб, икки ой госпиталда даволанишга мажбур бўлди. Йилг бироз со-ғайган, Берлин йўналиши бўй-лаб силжитган ўз дивизиясига етиб олди.

Албатта, ўзбек жангчисининг Берлин ва Прагага бо-сиб ўтган машаққатли жанго-вар йўлларини батафсил ҳик-оя қилолмаймиз. Қўқсини бе-заб турган ҳар бир орден ва медал жанг майдонидан кўр-сатган марднинг, матонати рам-зи-дир.

Улуғ Ватан уруши ветерани ҳозир «Ташкент»да ишлаб турибди. У беш фарзанднинг отаси. Қизи — Мавлуда — пойтахтимиздаги недратрия ин-ститутининг, Маҳфуза эса Охунбобоев номли медицина билим юртининг талабаси. Иброҳим, Исроил ва Насибалар ўрта мактабда аъло баҳолар да ўқишмоқда.

Жалил ака шу кунларда пионер ва ўқувчиларнинг до-имий меҳмони. У индан бун ш вақтларда мактаб, болалар муассасаларига бориб, босиб ўтган жанговар йўлларни ҳақи-да ёшларга ҳикоя қилиб беради, уларни Ватанин севи-шга, унинг тупроғини мўъадас деб билишга, оталар жасора-тига содиқ бўлишга даъват эта-ди.

Я. САЛИМОВ.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАР-ВАРЛИК САҲИФАСИ № 119.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

МАКТАБДА МУЗЕЙ

Пойтахтимиздаги 154-мактабда «Қаҳрамонларга шон-шарфлар» музейи тобора бо-йишмоқда.

9-синф ўқувчиси Г. Комило-ва бошлиқ иттиҳодлар Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг фотосуратлари, таржиман ҳо-лларини, қаҳрамонлик лавҳалари-ни йилг, музейга қўймоқда-лар.

Шунингдек, музейда Ватан учун курашда ҳалок бўлган Со-вет Иттифоқи Қаҳрамонлари,

дошворак номсозларининг фо-тосуратлари, қаҳрамон шаҳар-лар шарафига тайёрланган аль-бомлар ҳам бор.

Яқинда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Эргаш Хайдаров, Жўра Мирзаев, Саттор Умур-зонов, Мирқомил Содиқовлар билан бирга музейда ўтказил-ган учрашув ўқувчиларда, ота-оналарда катта таассурот қол-дирди.

И. РУСТАМОВ.

Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини муносиб кутиб олишга Оржон-икиде район меҳнаткашлари ҳам катта ҳозирлик кўрмоқдалар. Яқинда район Улуғ Ватан уруши ветеранларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар биргаликда фронт лавҳаларини эсладилар, ёшларга оловли йиллар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Суратди: (чапдан ўнгга) райондаги 37-мактаб ўқитувчиси С. Аб-дузамнов, Улуғ Ватан уруши инавали А. Ғуломов, район ҳалқ судининг ходими, қишлоқ Советининг депутаты А. Сулаймо-нов ва С. Олимовлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Ф. Абдурашудов фотоси.



ТУРТ киши кетди, қайтиб келмади. Қўлга тушмишми-ни, ҳалок бўлишми-ни у бо-шдан бу бошга бориб келар, босиб-босиб аччиқ мажорани тортарди. Бир кетда турган старший лейтенант Нодир Умаровнинг ҳам боши қотди. Ни-гитлар унинг ротасидан эди. Наҳотки шундай эҳтир развед-качилардан ажралган бўлса? — Урток комбат, рухсат бе-ринг, шу объекта ўзим бора! Комбат ялт этиб, рота коман-дирига қаради. Сўнг аста юриб келди да, қўлларини Нодирнинг елкасига қўйди.

— Бу объект бизга қимматга тушадиганга ўхшайди. — деди

КОМАНДИР

ФРОНТ
ЛАВҲАЛАРИ

у босиб овоз билан. — Тўрт разведкачилар қайтиб келмади. — Таваккалгад, ўрток ком-бат...

Пўл, таваккалчиликни бир чеккага суриб қўйинг. Ур-ток рота командири. Бу ерда усталлик билан иш тутилиш лозим. Мана бу харитага бир на-зар ташланг-а.

Комбат Нодирни стол усти-да ёнигил турган харита то-мон бошлади.

— Кенгирберга биргина шу йўл олиб боради. — комбат сўзларини чизинча ишора қилди. — Пўл бўйидаги талч пун-кти шаҳар дарвозасини маҳкам туриб ҳимоя қилади. Шу ерда душманининг қанча қисми, қан-ча курули борилиги билмас, бас. Қўлларимизни тўғлаймизу, ҳужумга ўтмиш. Энг муҳими, алданиб қолмаслик керак.

Нодир оқ қозиларининг кий-ди-да, ёнига икки разведкачи-нини олиб, қош қоралар-қораймас, йўлга тушди. У душман ўрни-ни олган кўрғон томон қор бо-сан бутазорлар оралаб кет-ди.

Нодир автоматини елкасига илди-да, йилгиларни орқароқда қолдириб, ўзи эмаклаганча кўрғонга яқинлашиб боравер-

ди. Занжирлари узилиб кетган «Тигр» танки панасига етганда бироз нафасини ростлади. Сўнг дурбинини қўлга олди-да, кўрғон атрофини сичқиллаб кўздан кечирди. Шу ер му-залишга жўда ҳам қўйил-ди. У дарров танк остида ўзига қичқилча оқол қазиди-да, рақибни ишга солди.

«Сосна», мен «Затвор-ман», қандай эшитилди? — «Затвор», мен «Сосна»-ман, яхши эшитилдим, қабул. — Координатларимизни ёзиб олинг. Менга турта катташа, пулеметчилар ва гранаталар керак. Тунинг иккинчи ярми-да кутаман.

Тонг налласида фашистлар кучли портлашдан саросимага тушиб, турли томонларга тум тарайди қоча бошладилар. Рота жангчилари шу дамба кўрғонга анча яқинлашиб қолган эди. Пулемет ва автоматлар баравари-та «асибрай» кетди. Душман-нинг танк пункти икки соатга қолмай жангчиларимиз қўлга ўтди. Икки офицер ва йигирма солдат асир олинди.

— Табриклаймиз, сизга 1-да-разали «Пухрак» ордени бе-рилди. — Нодир ётган хонага фронт газетасини қўтариб гос-

питал врач кириб келди. — жўда ҳам бошбасизлар-ку! — Ираланганим ёмон бўлди-да, доктор. Тезроқ соғайи-шинг илосини қилинлар.

— Ха, ана орденлардан ку-руқ қолмай, денгизми? — ҳа-зиллашди врач. — Бироз дам олдинг, ҳали Берлинга анча бор.

Нодир қўлларини юмди. Ҳа-демай Берлинга қадайд қўлди. Ўйлаб қараса, Тошкентдан чи-ққанга ҳам уч йил бўлибди. Шу йиллар давомида у жанг билан неча ўнлаб шаҳарларни босиб ўтди, чиниқди, оқ қорани таниди.

Биринчи кунлар эсида. Ро-таси билан Харьков йилиндаги завод заводи олдидан жангга кирган эди. Чекинаётган фа-шистлар аламаздалик билан тини аҳолини қиратган, ишга яроқлиларни Германияга ҳай-даб кетатган эди.

Рота разведкачилари завод атрофларидаги уйлارга кириб муҳим хабар топиб келишди. Немислар завод орасидан темирйўлда бир вагон асирлар ва ўн вагон галлани Германия-га жўнатилган ҳозирлаб қўйган экан. Зудлик билан бирор чора қўриш керак.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Мультифильм. 18.05 — «До-ре-ми-фа-сол». 19.35 — «Ахборот». 19.55 — Мархабо, талантлар. Жиз-зах област бодий ҳаяскорларининг чиниши. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Хоникей Швеция — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиланлар. 10.15 — Кинофильм. 10.55 — Ўқу-вчилар учун кўрсатув. 11.35 — Экан хандаси. 12.15 — Ота-она-лар учун консултация. 13.40 — Телеспектади. 14.50 — «Заман-дас». 15.30 — Ёш оилаларга масла-ҳат. 16.00 — Оламга саҳнат. 17.05 — «По-незамат бўлиб қолди». 17.35 — МОСКВА. Мўжизасиз мўжиз-лар. 18.35 — Мультифильм. 19.00 — Янгиланлар. 19.15 — «Орари» вокаль чолгу ансамблининг кон-церти. 19.40 — Совет Иттифоқи чет элдик дуетлар интҳоиди. 20.00 — Телеспектади. 22.00 — Ўқу-вчилар учун кўрсатув. 22.30 — Совет кинос-усталари. Юрий Никулин. УЧИН-

ЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУША-НБЕ КўРСАТУВЛАРИ.

30 март, ишанба
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.45 — «Ахборот». 18.00 — Партия — давлатимизнинг ақл-идроми, шон-шараф ва пиллоди. 18.30 — Ёш кўнук музика. 18.40 — «Ахборот». 19.00 — СССР халқлари VI спар-такиада. Бокс. 21.00 — Кошпери. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Мунораи эътида давом. 23.10 — Экан хандаси. 23.50 — МОСКВА. Спорт программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАМ-МА. 10.00 — МОСКВА. 10.05 — Янгиланлар. 10.15 — Янгра, бара-бан. 10.45 — «До-ре-ми-фа-сол». 11.25 — Кўча ҳаракати жондилари ўрганимиз. 12.10 — Қўнук етарлилар. 13.10 — Ота-оналар учун консултация. 13.40 — Навруз байрами. 15.40 — Ёш ҳушқўчлари учун кўрсатув. 16.00 — Хўжастли фильми. 16.30 — Кинофильм. Янгиланлар. 17.35 — МОСКВА. Кино, савхатчилар инуби. 18.35 — Мультифильм. 19.00 — Янгиланлар. 19.15 — «Шимол байра-ми». 19.30 — Хўжастли фильми. 20.20 — Музикали кўрсатув. 20.30 — Запас ўйинчи (бодий фильм). 22.60 — Ўқу-вчилар учун кўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КўРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29-и да Севги тумори (қулузу). Дилором (17.00), 30-и да — Анна Каренина (қулузу). Мангулин (18.00).
ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29-и да Кароқчилар (қулузу ва кечурун). 30-и да Лу-наш Ботир (қулузу). Аянлонлар (кечурун).
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДИРКИДА — Ургатилган ҳайвонлар иштироки-да цирк усталарининг гастролла-ри (12.30, 15.00, 17.30).
КИНО
Блокада — САНЪАТ САРОНИ, «ВОСТОК», «НУКУС», «ЧАНКА», «МОСКВА» (қулузу ва кечурун).
Миллионини қандай ўғирлаш не-ранг? — ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (қулузу ва кечурун). 17.00, 21.00, «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).
Ромео ва Жульетта — «ҚОЗО-ҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 21.00).
Есенин — «ДРУЖБА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.00).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚКАТИГА!
1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ «ЧИЛЧОЗ» САВДО МАРКАЗИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ «ЧИЛЧОЗ» САВДО МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИГА
спесарь-автосоллар, тонар-лар, 3-6 разрядли фрезерчи-лар, газ-сув аппаратуралари-ни қуриш ва тўзатиш бу-йича спесарлар, электринлар, спесарь-сантехниклар, ВОХ ўқувчилари, йиғувчилар, контро-лерлар

К Е Р А К
Касба эга бўлмаганлар — бир-уч ой ўқитилди. Ишчиларга завод транспор-ти хизмат кўрсатади. Мўржақат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Пролетар йўчаси, 4-й. — Аҳолини ишга йўл-латириш ва информация Бюроси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар. — 338142.